

СОЛИҚҚА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЮРИДИК ШАХСНИНГ АЙБЛИЛИК МАСАЛАСИ, БУ БОРАДАГИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Матчанов Шерзод Камирович

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
Жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20617291>

Аннотация. Ушбу мақолада солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг субъекти сифатида юридик шахс айбининг ўзига хос хусусиятлари, унинг айбини аниқлаш алгоритми, яъни эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар, қонунчилик таҳлили, олимларнинг бу борадаги қарашлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлари: солиқ ҳуқуқбузарлиги, солиқ органи, солиқ тўловчи, солиқ агенти, жисмоний шахс, юридик шахс, юридик шахснинг айби, юридик шахснинг мансабдор шахси, юридик шахснинг вакили, объектив айблов, субъектив айблов, алгоритм, қасд, эҳтиётсизлик.

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности вины юридического лица как субъекта налоговых правонарушений, алгоритм определения его вины, то есть аспекты, на которые следует обратить внимание, анализ законодательства, а также взгляды ученых в этой области.

Ключевые слова: налоговое правонарушение, налоговый орган, налогоплательщик, налоговый агент, физическое лицо, юридическое лицо, вина юридического лица, должностное лицо юридического лица, представитель юридического лица, объективное обвинение, субъективное обвинение, алгоритм, умысел, неосторожность.

Abstract. This article examines the specific characteristics of a legal entity's guilt as a subject of tax-related offense, the algorithm for determining its guilt, i.e., aspects that must be taken into account, legislative analysis, the views of scholars in this regard.

Key words: tax-related offense, tax authority, taxpayer, tax agent, physical person, legal entity, fault of a legal entity, official of a legal entity, representative of a legal entity, objective accusation, subjective accusation, algorithm, intention, negligence.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг субъекти жисмоний ва юридик шахс ҳисобланиб, айнан юридик шахснинг айблилиқ масаласининг моҳиятини аниқлик киритиш у томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш орқали адолатли қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Зотан, юридик шахснинг ўзи содир этган қилмишига нисбатан руҳий муносабатини аниқлаш алгоритми миллий қонунчилик учун янгилик бўлиб ҳисобланади.

2007 йил 25 декабрда қабул қилинган эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 106-моддасига кўра, солиқ тўловчининг ушбу Кодекста жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилиши белгиланганлиги, шахснинг содир этилган қилмишини солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этиш учун у айбли бўлиши лозимлигидан далолат беради.

Бироқ, мазкур кодексда шахс солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб эътироф этиш учун, яъни айбли деб топиши учун ҳуқуқбузарликни айбнинг қайси шаклида содир этилиш лозимлиги, уларнинг тушунчаси ва айбдор деб топиш учун қайдай мезонлар амал қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилмаган эди.

Шу каби, солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг субъекти жисмоний шахслар билан бирга юридик шахс ҳам ҳисоблансада, унинг айбини аниқлаш механизми ҳам белгиланмаган эди.

Эски таҳрирдаги мазкур кодексда айбнинг шакллари кўрсатилмасдан, шунингдек, юридик шахснинг айбини аниқлаш механизми баён этилмаган бўлсада, Солиқ кодексда шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди, жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас, шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар каби нормалар мавжуд эди.

Ҳуқуқбузарлик субъекти ҳатти-ҳаракатида айбнинг мавжуд бўлиши унинг юридик хусусиятининг мажбурий ва зарурий белгисидир. Айбнинг мавжуд бўлмаслиги жавобгарликнинг асоси сифатидаги ҳуқуқбузарликни инкор этади. Демак, фақатгина айби бўлган субъект жавобгарликка тортилиши мумкин.

Лекин, айб тушунчасини юридик шахсга нисбатан қўллаганда унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим. Юридик шахснинг содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки унинг оқибатларига нисбатан қандай муносабатда бўлганлигини аниқлаш масаласи жуда мунозарали¹.

Жисмоний шахс билан бирга юридик шахс ҳам солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахслар солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун ушбу Кодекснинг 28 ва 29-бобларида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлади.

Кодекснинг 210-моддасига кўра, солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахснинг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилиши белгиланган бўлиб, қилмиш айбли бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади, юридик шахс онгли мавжудод ҳисобланмайди, шу боис, уни субъектив айблов асосида жавобгарликка тортиш мумкинми ёки объектив айблов асосида жавобгар қилинадими.

И.В.Панова суд амалиётининг мисоллари ва шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг турли қарашларини қиёсий таҳлил қилиши асосида, юридик шахснинг айбдорлигини аниқлаш бўйича учта асосий илмий асосланган концепция (метод, назария)ни ишлатиш мумкинлигини таъкидлайди:

¹ Назаренко Г.В., Абашина Л.А. Юридическое лицо как субъект уголовной ответственности: опыт зарубежных государств и перспективы российского законодательства. Монография. Орел: Издательство ОРАГС, 2009. – 132 с.

- субъектив ("психологик") концепция;
- хулқ-атвор (поведенческая) концепция;
- айбнинг хулқ-атвор ва психологик назарияси².

Ҳуқуқшунос олим Э.Ҳожиёвнинг фикрига кўра, илмий адабиётларда юридик шахсларнинг айби масаласига уч хилдаги ёндашувни кўриш мумкин:

биринчидан, юридик шахснинг айбини белгилашда унинг қонун талабларига риоя этиш бўйича барча ўзига боғлиқ чораларни кўрган ёки кўрмаганлигини ҳамда бу учун юридик шахсда имконият мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш лозим бўлади;

иккинчидан, юридик шахснинг айби масаласига юридик шахс мансабдор шахсининг айби орқали ёндашув, яъни айб мансабдор шахснинг юридик шахс манфаатларини кўзлаб хизмат мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилишида намоён бўлиши. Бунда суд қабул қилган қарор мунозараларга олиб келиши мумкин.

Судда юридик шахс мансабдор шахсининг ваколат доирасидаги хатти-ҳаракатидан ҳуқуқбузарлик келиб чиққанлиги исботланган бўлиши лозим;

учинчидан, айбни ҳисобга олмаган (айб мавжуд бўлмаган) ҳолда объектив нуқтаи назардан юридик шахсни жавобгарликка тортиш. Бу ҳолат юридик жавобгарлик назариясига ҳам, амалдаги қонунчилик талабларига ҳам зид, шу сабабли амалда тадбиқ этилмаслиги керак³лигини таъкидлайди.

Айбнинг психологик (руҳий) концепциясига оид О.С. Иоффенинг фикрига кўра, юридик шахс-бу жамоавий онг ва жамоавий иродага эга бўлган уюшган жамоа; у айбнинг мазмунини ташкил этадиган онгли-иродавий муносабатга қодир. Юридик шахснинг айби, унинг ишчиси меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан боғлиқ равишда содир этган айбли ҳаракатларида ифода этилиши мумкин⁴.

Шунингдек, Б.С. Антимонов «Ҳар қандай юридик шахс – бу одамлар бирлашмаси, шунинг учун юридик шахснинг айби ҳар доим одамлар айби ҳисобланиб, бошқа ҳеч нимада бўлиши мумкин эмас»⁵ лигини билдирган ҳолда юридик шахснинг субъектив айбловни назарда тутмоқда.

Таниқли олими - цивилист С. Н. Братусьнинг фикрига кўра, юридик шахснинг жавобгарлиги учун зарур шарт – бу юридик шахснинг аъзоси ёки унинг ходими ҳисобланган аниқ ижрочининг айби ҳисобланади.⁶

Шунга ўхшаш фикрни С.М.Корнеев ҳам қайд этиб, аслида юридик шахснинг айб кўпинча зарарли оқибатларга олиб келувчи ижрочиларнинг непрофессионалигида,

² Панова И. В. Еще раз о двух тенденциях, разрушающих целостность института административной ответственности // Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации. – 2007. – № 8. – С. 9.

³ Ҳожиёв Э. Юридик шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлиги: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. № 1 (21) 2015 йил. ISSN 2181-5011. 82-бет. Б 41

⁴ Иоффе О.С. Обязательственное право. М.: Юрид. лит., 1975. 880 с. Б-72

⁵ Антимонов Б. С. Основания договорной ответственности социалистических организаций. – М.: Юрид. лит. 1962. – С. 76.

⁶ Братусь С. Н. Субъекты гражданского права. – М.: Госюриздат. 1950. – С. 211.

ишларга зарур эътиборнинг йўқлигида, саводсизлик, ўз ишига совуққонлигида, ҳаракатсизлигида намоён бўлишлигини⁷ таъкидлаган.

С.М.Корнеевнинг мазкур фикрининг эътибор марказида асосан ижрочилар турибди ва уларнинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан айбнинг иккала шаклидаги муносабати кўрсатилганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, олимнинг фикрича, юридик шахснинг айбдорлиги муайян жисмоний шахсларнинг хулқ-атворида намоён бўлади. Бу юридик шахс органининг таркибига кирувчи шахс ҳамда юридик шахснинг иштирокчилари (масалан, тижорат ташкилотлари) бўлиши мумкин. Булар юридик шахснинг вакиллари ҳамда унинг ходимлари ва хизматчилари ёки унинг аъзолари (масалан, кооператив аъзолари) бўлиши мумкин. Агар ушбу жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар хизмат (иш) вазифалари доирасида амалга оширилган бўлса, уларнинг айбдорлиги юридик шахснинг айбдорлиги сифатида қаралади⁸.

Шу жойда олимнинг жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар хизмат (иш) вазифалари доирасида амалга оширилган бўлса, уларнинг айбдорлиги юридик шахснинг айбдорлиги сифатида қаралиши тўғрисида фикрига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мазкур фикр асосли бўлиб ҳисобланади дейиш мумкин. Лекин, ходимнинг ўз хизмат вазифасига кирмаган ҳаракатни амалга ошириши натижасида содир этган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсни айблаб бўладими деган саволга жавоб қидиришимиз лозим бўлади.

Масалан, юридик шахсга қарашли бўлган дўкон сотувчиси дўкон фаррошидан муайян муддатга қадар савдога қараб туриши тўғрисида илтимос қиса ва фаррош бунга рози бўлиб, савдога қараб туриши жараёнида маҳсулотни сотиб, лекин, харид чекини харидорга бермаса бу фаррошнинг хизмат (иш) вазифалари доирасидан ташқаридаги фаолият бўлиб ҳисобланади ва мазкур ҳолатда юридик шахсни жавобгар қилиш қанчалик тўғри ва адолатли?

Н.Н.Смирнов юридик шахснинг айбдорлигини аниқлаш, ташкилотга нисбатан ҳуқуқбузарликни малакалашда унинг мансабдор шахсларининг айбдорлигини ўрганишни назарда тутди. Бошқача қилиб айтганда, юридик шахснинг айби субъектив-ҳуқуқий ёндашув орқали, унинг мансабдор шахслари ёки вакилларининг айби орқали аниқланиши керак⁹лигини таъкидлайди.

Унга кўра, юридик шахснинг айби, энг аввало, ташкилотнинг қонуний ёки ихтиёрий вакиллари (яъни мансабдор шахслар, ходимлар, маъмурият ва бошқалар) орқали ифодаланадиган унинг рухий муносабати сифатида қаралади. Бинобарин, юридик шахс номидан бевосита иш юритадиган ходимлар ва мансабдор шахсларнинг айбининг ҳуқуқий

⁷ Корнеев С. М. Российское гражданское право: учебник: в 2 т. Т. II: Обязательственное право / отв. ред. Е. А. Суханов. – М.: Статут, 2010. – С. 1090.

⁸ Ўша жойда Б 1091.

⁹ Н.Н.Смирнов. СУБЪЕКТИВНЫЙ («ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ») ПОДХОД К УСТАНОВЛЕНИЮ ВИНЫ ЮРИДИЧЕСКОГО ЛИЦА: ПРОБЛЕМНЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ И СУДЕБНОЙ ПРАКТИКИ. Марийский юридический вестник Выпуск 9, 212 й. С-265

проекцияси туфайли (яъни бир шахснинг айбини ташкилотга нисбатан юридик жиҳатдан татбиқ қилиш) ушбу ёндашув юридик шахснинг айбини ноқонуний хатти-ҳаракатга ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабат сифатида кўриб чиқишга имкон беради (ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони нуқтаи назаридан)¹⁰

Н.Н.Смирновнинг фикрига ўхшаш фикрни А.В.Брызгалин ҳам таъкидлаб, қуйдагиларни баён этган.

Хусусан, А.В.Брызгалиннинг фикрига кўра, қонун чиқарувчи аслида юридик шахснинг айбини аниқлаш учун қуйидаги алгоритмни назарда тутати: дастлаб ташкилот мансабдор шахсларининг айбдорлик даражаси аниқланади ва шундан кейингина олинган натижалар ташкилотга экстраполяция қилинади¹¹.

А.В.Брызгалин томонидан таклиф этилаётган алгоритм юридик шахснинг айбини аниқлаш босқичларини кўрсатиб бермоқда, яъни юридик шахснинг айбини аниқлаш учун дастлаб ташкилот мансабдор шахсларининг субъектив томонини аниқлашдан бошланишлиги таъкидланмоқда. Ҳақиқатдан ҳам содир этилган ҳуқуқбузарликда дастлаб ташкилот мансабдор шахслари ёки унинг вакилларининг айбини аниқламасдан туриб, содир этилган қонунга хилоф ҳаракатга қараб юридик шахсни жавобгар қилиш, субъектив айбловдан чекинишликни англатиб, объектив айбловга асосланишликдан далолат беради.

Шунингдек, В.В.Кизиловнинг фикри ҳам эътиборли бўлиб ҳисоланади, унга кўра, ташкилотнинг жавобгарлиги юзага келишининг зарурий шarti – бу ташкилот мансабдор шахслари ёки вакилларининг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этган, солиқ ҳуқуқбузарлиги деб квалификация қилинадиган ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидир¹².

Ҳуқуқшунос олим Э.Хожиевнинг фикрига кўра, юридик шахс жисмоний шахс сингари ҳаракат қила олмайди, яъни унинг инсонга хос бўлган ҳаракатланиш воситалари (қўл, оёқ) мавжуд эмас. Шу сабабли содир этилган қилмишда юридик шахсни бошқарувчи ёки бошқарувчилари ҳаракатини ҳисобга олиш керак.

Судда юридик шахс жавобгарлиги кўриб чиқиладиган вақтда содир этилган қилмишда юридик шахс тузилмаси ёки вакилининг айби, унда аниқ бир жисмоний шахснинг хатти-ҳаракати намоён бўлмаса ҳам, исботланиши лозим.

Юридик шахслар жавобгарлигини белгилашда айрим бир муаммолар ҳам мавжуд.

¹⁰ Н. Н. Смирнов. СУБЪЕКТИВНЫЙ («ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ») ПОДХОД К УСТАНОВЛЕНИЮ ВИНЫ ЮРИДИЧЕСКОГО ЛИЦА: ПРОБЛЕМНЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ И СУДЕБНОЙ ПРАКТИКИ. Марийский юридический вестник Выпуск 9, 212 й. Б-263

¹¹ Брызгалин А. В. Практическая налоговая энциклопедия. Доступ из справ.-правовой системы «ГАРАНТ ЭКСПЕРТ 2010».

¹² В.В.Кизилов. Фикция субъективного вменения вины организации в налоговых правонарушениях. Вестник омского юридического института. 2011. № 1 (14). Б-15

Жумладан, юридик шахслар мураккаб таркибий тузилмага эга бўлганда уларда қарорларни қабул қилиш жараёнида ноаниқликлар, бўшлиқлар юзага келади, унда иштирок этувчи ҳар бир шахснинг жавобгарлигини аниқлаш мушкул бўлади¹³.

Солиқ кодексининг 214-моддаси 4-қисмига кўра, юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун айбини аниқлаш механизми берилган бўлиб, у субъектив ("психологик") концепцияга асосланади.

Жумладан, юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдорлиги унинг мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишини келтириб чиқарган айбига қараб аниқланади.

Мазкур моддага кўра, иккита тоифадаги шахсларнинг айбига асосан солиқ тўловчи ҳисобланган юридик шахснинг айби аниқланади, булар:

- Юридик шахснинг мансабдор шахсининг;
- Юридик шахснинг вакилларининг.

Юридик шахснинг мансабдор шахси ким эканлигини аниқлаш қийинчилик туғдирмайди, лекин унинг вакили кимлар бўлиши мумкинлигига аниқлик киртишимиз лозим бўлади.

Солиқ кодексининг 24-моддаси солиқ тўловчининг вакиллари деб номланиб, унга кўра, солиқ тўловчи, агар ушбу Кодекста бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ муносабатларида қонуний ёки ваколатли вакил орқали иштирок этишга ҳақли.

Вакилнинг ваколатлари ушбу Кодексга ва бошқа қонунчиликка мувофиқ ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчининг қонуний вакили деб ушбу юридик шахсга қонун ёки унинг таъсис ҳужжатлари асосида вакиллик қилишга ваколатли шахслар эътироф этилади.

Юридик шахс қонуний вакилларининг мазкур юридик шахснинг солиқ муносабатларида иштирок этиши муносабати билан содир этилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу юридик шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳисобланади.

Солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда солиқ органлари, божхона органлари ва солиқ муносабатларининг бошқа иштирокчилари билан муносабатларда ўз манфаатларини ифодалаш ваколати берилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ёки бошқа шахслар солиқ тўловчининг ваколатли вакиллари бўлиши мумкин.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчининг ваколатли вакили, агар ушбу Кодекста бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўз ваколатларини тузилган шартнома ёки фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда бериладиган ишончнома асосида амалга оширади.

¹³ Хожиев Э. Юридик шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлиги: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. № 1 (21) 2015 йил. ISSN 2181-5011. 82-бет. Б 43

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси қонун асосида солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи барча иштирокчиларининг ваколатли вакили ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики юридик шахснинг вакили юридик шахс номидан бошқа субъектлар билан муносабатга киришувчи шахсга нисбатан айтилмоқда.

Бироқ, юридик шахснинг меҳнат ёки фуқаролик шартномаси асосида ишловчи ходими солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганда унинг айбига асосан солиқ тўловчи ҳисобланган юридик шахсни айблай оламизми деган саволга жавоб топшимиз лозим бўлади. Г.К.Матвеевнинг таъкидлашича, юридик шахснинг вакили унинг ходими бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда эса, вужудга келган вазиятнинг қандайлигидан қатъий назар юридик шахс жавобгар бўлади¹⁴ деб таъкидлайди.

Мазкур ҳолатга аниқлик киритишимиз учун Солиқ кодекси 214-моддаси 4-қисмида кўрсатилган юридик шахснинг вакилига ҳуқуқий тушунча ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Солиқ кодекси 214-моддаси 4-қисмида юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдорлиги унинг мансабдор шахсларининг ёки вакиллариининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишини келтириб чиқарган айбига қараб аниқланади, деб белгиланиши, уларнинг ҳар қандай солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳисобланган ҳаракатларини назарда тутмоқда.

Назаримизда, юридик шахснинг айбини аниқлаш алгоритимини бундай тартибда белгилаш муайян камчиликларга эга бўлиб, юридик шахсни асосиз айбдор бўлишига олиб келиши мумкин.

Фикримизни Д.М.Кушбаковнинг юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан билдирган фикрини солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсни жавобгарликка тортишга нисбатан таҳлили қилиш орқали асослашга ҳаракат қиламиз.

Унга кўра, жисмоний шахсларнинг айбли қилмиши учун юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ижтимоий хавфли қилмиш юридик шахс манфаатлари учун ёки унинг функцияларини бажариш билан боғлиқ ҳолда содир этилганида келиб чиқади. Шу боис, юридик шахснинг жавобгарлиги жиноий қилмишнинг юридик шахс фойдасини кўзлаб ҳамда унинг раҳбари ёки вакили томонидан содир этилганлиги билан боғлиқ.¹⁵

Ўз фикрини давом эттириб, Д.М.Кушбаков бошқарув функцияларини бажараётган ёки унга раҳбарлик қилаётган ёхуд унда фаолият юритаётган шахснинг жиноий қилмиши юридик шахс манфаатларини кўзлаб содир этилганида, шунингдек юридик шахс имкониятларидан жиноят содир этиш ва уни яшириш мақсадида фойдаланганида, юридик шахс ҳисобварақларидаги маблағ жиноятни молиялаштириш мақсадида ишлатилганида,

¹⁴ Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. – М.: Юридическая литература. 1970. -225 с.

¹⁵ Дилшод Мусурмонкулович Кушбаков. ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖИНОЙИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021 ISSN: 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 1031-бет

жиноят натижасида топилган мол-мулк ва маблағ юридик шахс эҳтиёжлари учун ишлатилганида, юридик шахс номидан жиноят содир этиш ёки яшириш учун фойдаланилганида юридик шахс жиноятга алоқадор деб топилади¹⁶ деб таъкидлайди.

Шунингдек, у агарда содир этилган жиноий қилмиш юридик шахснинг бошқарув органи қарорига биноан эмас, балки унинг мансабдор шахси ёки ходимининг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, башарти у ташкилот учун бирон-бир имтиёз ёки афзалликларни олиб келмаса, бундай қилмиш учун юридик шахс эмас, балки уни содир этган шахслар жавобгар бўлиши лозим¹⁷лигини таъкидлайди.

Д.М.Кушбаковнинг фикрини таҳлил қилиб айтадиган бўлсак, юридик шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал қилишда юридик шахс манфаатлари ва унинг бошқарув органининг иродасидан келиб чиқишни назарда тутмоқда.

Д.М.Кушбаковнинг фикрига қўшилган ҳолда қуйидагиларни билдирамиз, яъни, юридик шахс мулкдорининг айби билан қамраб олинмаган ёки бошқарув органи қарори мавжуд бўлмаган ҳолда юридик шахснинг мансабдор шахси ёки унинг вакили ёхуд бошқа шахсларнинг ташкилот манфаатларига зид равишда амалга ҳуқуқбузарлиги, башарти у ташкилот учун бирон-бир имтиёз ёки афзалликларни олиб келмаса, бундай қилмиш учун юридик шахс эмас, балки уни содир этган шахслар жавобгар бўлиши лозим.

А.В.Брызгалиннинг фикрига кўра, солиқ органи томонидан солиқ тўловчи – юридик шахсга нисбатан қабул қилинган қарор аслида унинг мансабдор шахсларининг айбдорлигини кўрсатади¹⁸.

В.В.Кизиловнинг фикрича, солиқ органи томонидан ташкилотни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлган мазкур ташкилотнинг мансабдор шахсларига нисбатан асослантирилмаган қисимсиз қабул қилиниши мутлақо ноқонуний ҳисобланади¹⁹.

А.В.Брызгалин ва В.В.Кизиловларнинг фикрига қўшилган ҳолда солиқ органи томонидан қабул қилинган қарорларнинг асословчи қисмида қуйидаги маълумотларнинг аниқ ва асосли баён этилиши мақсадга мувофиқ бўлади: солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсни жавобгарликка тортишда, унинг айби қайси мансабдор шахс ёки юридик шахс вакилининг айбига асосланганлигини ва айбнинг айнан қайси шакли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали) мавжудлигини кўрсатиш.

Қарорда мазкур ҳолатнинг кўрсатилиши, юридик шахсга қўйилган айблов унинг қайси мансабдор шахси ёки вакилининг айбига асосан қўйилганлигини кўрсатади.

¹⁶ Дилшод Мусурмонкулович Кушбаков. ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖИНОЙИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021 ISSN: 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 1033-бет

¹⁷ Дилшод Мусурмонкулович Кушбаков. ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖИНОЙИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021 ISSN: 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 1034-бет

¹⁸ Брызгалин А. В. Указ. соч. 10 там же.

¹⁹ В.В.Кизилов. Фикция субъективного вменения вины организации в налоговых правонарушениях. Вестник омского юридического института. 2011. № 1 (14). Б-19

Солиқ кодексининг 26-моддасига кўра, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва молиявий санкциялар қўллашга солиқ органлари ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Солиқ органи томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиладиганида айб исботланиши зарур бўлган предметдир ҳисобланади. Айби исботланган шахсина жавобгарликка тортилиши мумкин бўлиб, агар айби исботланмаса ёки объектив айбловга асосланса шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиққа оид жавобгарлик аниқ руҳий муносабатга, субъектив айбловга асосланган бўлиши керак деган ғояга қўшиламыз. Субъектив айбловга асосланиш шахсни айбини аниқлашда у томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик унинг иродаси, истаги ва қилмиш ва унинг оқибатини ҳуқуққа хилофлигини англаши билан боғлиқ ҳолда содир этилганлигига аниқлик киритишни назарда тутиб, адолатли қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.